

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**БУЮК КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**БУЮК КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

**78.342**

**Б 98**

*Тузувчилар:* У.Тешабоева, Қ.Нуримова, Ф.Рўзиева  
*Мухаррир* Ҳ.Маматраимова  
*Масъул муҳаррир* О.Қиличбоев  
*Матн терувчи* З.Жалилова

Буюк келажак бунёдкорлари: Метод.-библиогр. қўлл.  
/Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;  
Тузувчилар: У.Тешабоева, Қ.Нуримова, Ф.Рўзиева;  
Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир  
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон  
Миллий к-наси нашриёти, 2008.-56 б.

***КБК 78.342+66.75 (5 Ў)***

Истиклол йилларида юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бугун мамлакатимизда қурилаётган фуқаролик жамияти, ҳаётимизга кириб келаётган янгиланишлар жараёни, ислохотлар самараси энг аввало ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам илм-фан ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари билан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб бермоқдалар.

2008 йил – Ёшлар йилига бағишлаб тайёрланган ушбу қўлланмада ёшлар, уларнинг маънавий камол топишлари, билим олишларида яратилаётган шарт-шароитлар, орзу-умидлари ҳақида маълумотлар берилган.

Қўлланмада “Ёшлар йилига” бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар, шунингдек мазкур мавзуга оид 2008 йил феврал ойигача чоп этилган адабиётларнинг библиографик рўйхати берилган.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилинди.

Ёшлар йили деб эълон қилинишининг мазмун-маъноси чуқур, мақсади кенг қамровли. Биз демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлини танлаб, шу эзгу мақсад сари собитқадамлик билан интиломқдамиз.

Бу йиллар синовидан муваффақиятли ўтиш талаб этиладиган мураккаб, аммо, шу билан бирга жуда шарафли вазифа. Кучли иқтисодий салоҳият ва ҳар томонлама фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг пировард натижаси ана шу вазифани қай даражада адо этишимизга боғлиқ.

Бу ҳаётий муҳим вазифа Истиклол тенгдоши бўлган, бугун катта ва мустақил ҳаётга қадам қўя бошлаган ёшларимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Таъкидлаш жоизки, 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилишдан асосий мақсад, бугунги ўзгаришлар, янгиланишларнинг, халқ фаровонлиги учун ўтказилаётган ислоҳотларнинг давомчилари бўлган ёшларнинг илмли, билимли, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишлари, барча жабҳалардаги яратувчан меҳнат жараёнларида фаол ва самарали иштирок этишлари учун кенг имконият яратиб беришдир. Зеро, 30 ёшгача бўлган фуқаролар умумий аҳолининг қарийб 40 фоизини ташкил этади. Бу – катта куч. Ҳозир ана шу катта кучни жамиятимиз ҳаётида ҳал қилувчи кучга айлантириш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус дастур ишлаб чиқилмоқда. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда “...фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзларини амалда намоён этишлари учун майдонни кенгайтириш керак”.

2008 йил – Ёшлар йилини ёшликка хос ғайрат-шижоат, жўшқинлик билан бошладик. Мустақиллигимиз ҳам болалик, ўсмирлик давридан ўтиб, ёшлик фаслига кирди. Ёшлик – куч-қувват, ақл-салоҳият, меҳр-мурувват ва саховат деганидир.

Янгилик, ўсиш, тараққиёт, бунёдкорлик, меҳнаткашлик – ёшликка хос фазилатлардир.

Юртбошимиз ҳамиша ёшларга қарата, ота-боболаримиз ким бўлганини ёдда тутишни, улуғ аجدодларга муносиб авлод бўлишни уқтирадилар. Ҳаммамиз ҳам улкан маданиятга, бой маънавиятга эга ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган миллат вакиллари эканликларимиздан ҳамиша ғурурланамиз. Ёшлар эса шу билан бирга, буюк аجدодларимиз шон-шухратига, бугунги Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборига, давлатимиз раҳбарининг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қилишади.

Ёшларнинг яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти мамлакатнинг куч-қудратини, эртанги порлоқ истикболини белгилаши сир эмас. Мамлакатимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги улуғ мақсадларнинг изчиллик билан давом эттирилиши ёшларнинг кучига – куч, ғайратига – ғайрат кўшади, буюк келажагимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Ёшларга бағишлаб буюк қомусий олимлар, мутафаккир ва алломалар, олимлар, шоир ва ёзувчилар яратган қатор рисоалар, давлатимиз қонун, фармон, қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуот саҳифаларида ёшлар ва уларга бағишланган мавзуларни ёритувчи мақолалар бериб борилмоқда.

Ушбу нашрлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари келажагимиз бўлмиш ёшлар, уларнинг бугунги кундаги ўқиши ва таълим олиши, маънавий камол топиши, бахтли келажаги, давлатимизнинг уларга билдирган юксак ишончини оқлашига қаратиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишлари лозим.

Бу ишда мутахассислар адабиётлар тарғиботининг, илмий-амалий семинар, китобхонлар конференциялари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, учрашув кечалари, мавзули кечалар,

савол-жавоб кечалари, мунозара кечалари, китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада “Ёшлар йили”га бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

### **«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим

воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

музыка, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда «Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги яқунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодий тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 29 февраль

## Ишонч ва умид

Қайси миллат, халқ бўлишидан қатъий назар, кимдан бўлмасин, “Ота-онанинг энг катта бойлиги нима?” – деб сўралса, табиийки, ҳамманинг ўзига хос жавоби бўлади. Бошқаларни билмадигу, лекин ўзбекнинг айтадигани аниқ: “Асосий бойлигим – фарзандларим!”, дейди у фахр билан.

Агар яна “Энг катта орзу-умидинг нима?” – деб сўралса, кимнинг нима дейишига қафолат беролмаймизу, бироқ ўзбекнинг жавоби битта бўлади: “Фарзандларимнинг бахтини, камолини кўриш”!

Чиндан ҳам бутун умрини, жони-жаҳонини ўз зурриётига бағишлайдиган халқмиз. Токи кўзимиз очик экан, қувончу ташвишларимиз уларнинг соғлиғи, турмуши, муаммолари билан боғлиқ бўлади. Ўзингдан кўра фарзандларингни кўпроқ ўйлайсан, ўзингнинг ютуғингдан кўра, уларнинг ютуғидан кўпроқ қувонасан. Ота-она юз ёшга кирса ҳам етмиш-саксон ёшли боласи ташвишини қилади. Азал-азалдан шундай, қонимизга сингиб кетган одат бу. Чунки фарзанд ота-она умрини, эзгу амалларини давом эттиради. Вақти-соати келиб шу азиз Ватанни ҳам уларга мерос қилиб қолдирамиз. Аммо фарзанд эртага ота-онани рози қила оладими, шаънига раҳмат ёғдирадими, энг муқаддас мерос Ватанни кўз қорачиғидек асрай оладими, унинг шон-шухратини оширадими? Ёки...

Оила бутунлиги, миллат келажаги, Ватан тақдири бугун ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигимизга боғлиқ бўлади.

Бу аслида ҳеч кимга сир бўлмаган ҳақиқат. Лекин билиш бошқа, амалий иш қила олиш бошқа. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан баркамол авлод орзуси давлат сиёсатининг долзарб масалаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Ёшлар тарбияси мустақиллигимиз мустаҳкамлиги, абадийлиги, ватанимиз тараққиётини таъминловчи асосий куч эканлигига имон келтирдик. Энг оғир дамларда – дон, нон, валюта топиш катта муаммо бўлиб турган бир пайтда ёшларимиз замонавий

касб-хунарларни ўргансин, билим олсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин, деган буюк орзу-умидлар билан уларни дунёнинг энг илғор мамлакатларига ўқишга юбориш йўлга қўйилди. Улуғ аждодимиз Абдулла Авланийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган оташин сўзларини дилимизга жо қилиб олдик. “Ҳар бир миллатнинг саодати давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, деган ўғитлари, “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат, бошқа миллатларга поймол бўлур” каби даъватлари қалбимизда қайта алангalandи. Ёшлар соғлом, илм-маърифатли, эътиқодли бўлса, замонавий касб-хунарларни эгалласа, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод камол топсагина орзуларимизга етишимиз, Ватанимиз гуллаб-яшнашини англаб етдик.

Эслик, давлатимиз таъсис этган биринчи ордэн “Соғлом авлод учун” ордени бўлди ва шу номда халқаро жамғарма ташкил этилди. Мухташам спорт иншоотлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этишга киришилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида биринчи бўлиб бизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида (1991 й. 20 ноябрь) қонун қабул қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад – “Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, иқтидорини тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат”лиги таъкидлаб ўтилди. 1992 йил 22 июлда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. “Таълим, илм бериш ва тарбиялашни ўз ичига олади, у республикамизнинг ақл заковати ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди”, дея уқтирилди.

Ёшларга эътибор кун сайин кенг қамров ола бошлади. “Камолот” ёшлар жамғармаси тузилди, Президентимизнинг “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармони (1993 йил 5 февраль) чиқди.

Ижодкор ёшларнинг “Истеъдод” республика жамғармаси, иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишларини қўллаб қувватлаш “Умид” жамғармаси ташкил этилди. Яна кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар баркамол авлод тарбиясига қаратилди.

Президентимизнинг республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ёшлар сиёсатининг мақсад-моҳияти яна бир бор аниқ-равшан ифодалаб берилди: “Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади”.

Давлатимиз тарбиядан ҳеч нарсани аямаётгани, ёшлар сиёсати изчиллик билан давом эттирилаётгани, ёшларимиз ўз истеъдодларини рўёбга чиқариши учун имконият майдони кенгайиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Масалан, таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди ва капитал таъмирланди. Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди.

Буларнинг барчаси ўз кучимиз, меҳнатимиз билан амалга оширилди. Умид билан суқилган таёқ бир кун берар меваю япроқ, деганларидек, қисқа вақт ичида ёшлар тарбияси билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимизнинг натижалари бўй кўрсата бошлади. Бир неча йиллардан бери ўтказиб келинаётган “Нихол”, Зулфия номидаги мукофотлар, “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивали ва “Келажак овози” кўрик-танловлари, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақалари юртимизнинг деярли барча вилоят ва

туманларида, олис қишлоқларда истеъдодли ёшлар вояга етаётгани, улар буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлишга интилаётганларидан далолат беради. Биргина спортнинг ўзида кейинги йилларда ёшларимиз эришган ютуқлардан ҳар қанча фахрлансак оз.

Юртбошимиз яна бир улуғ вазифани илгари сурди: “Ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим вазифаларимиз қаторидан жой олиши керак”.

Бу вазифа замирида қандай маъно-мақсад ётганини чуқур ўйлаб, мағзини чақиб олмоғимиз зарур, албатта. Мусиқа ва санъатга ошуфта қалб фақат яхшиликка, эзгуликка интилади. Санъатнинг юксаклиги миллатнинг маънавияти ва маданияти асосий белгилардан ҳисобланади. Санъат, спорт, адабиёт, фан миллатни, мамлакатни дунёга энг тез танитадиган, унинг тараққиёти, нуфузи, интеллектуал куч-қудратини намоён этадиган воситалардан эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар кадрини чуқурроқ англаш, ҳис қилиш учун дунёга назар ташлаб, мулоҳаза юритишга тўғри келади. Шундай мамлакатлар борки, болаларини ўқитиш, қорнини тўқ, устунни бут қилишга қурби етмайди. Камбағаллик, очарчилик, турли хил касалликлар гирдобидан чиқиб кетолмай бошқаларга қўл чўзиб, хайрия сўраб яшайди. БМТ маълумотларига кўра, дунёда 854 миллион одам очарчиликдан азият чекмоқда. ЮНЕСКО маълумоти бўйича дунёда мактаб ёшидаги, 100 миллион бола ўқиш имкониятидан маҳрум.

Ёшлар йили ҳақида гап кетганда айримлар кўпроқ қандай шарт-шароитлар яратилиши, имтиёзлар берилиши, моддий ёрдамлар кўрсатилиши ҳақида ўйлаши мумкин. Булар Давлат дастурида ўз ифодасини топиши муқаррар, албатта. Аммо шу

Ўринда ҳар бир ота-она, ёшларнинг вазифаси, бурчи ҳам муҳимлигини унутмаслик керак.

Ёшлар йилида барчамизни таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, миллий ғоя ва мафкура тарғиботини янада кучайтириш, миллий ғурур, миллий кадриятларимизни улар онгига янада чуқурроқ сингдириш талаб этилади. Ҳар қанча билим бермайлик, касб-хунар ўргатмайлик, агар улар эътиқодли, фидойи, қатъиятли, маънавиятли бўлмаса, юрагида Миллат, Ватан туйғуси ётмаса кўзланган мақсадга етолмаймиз. Яхши мутахассис бўлиш мумкин, лекин унинг қалбида ҳалоллик, иймон, эътиқод, ирода, ор-номус, ватанпарварлик ҳукмрон бўлмаса, исталган пайтда хиёнат йўлига ўтиб кетади.

Инсоният тарихидан маълумки, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати асосан икки нарсага боғлиқ. Бири – ИЛМ-ФАН бўлса, иккинчиси - ТАРБИЯ. Ўз ўтмишимиз ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Қайси замонда илм-фан, маданият, маърифат тараккий этган бўлса, айнан ўша даврда юртимиз гуллаб-яшнаган, куч-қувватга, обрў-эътиборга эга бўлган.

Назаримда, ҳаётга қарашларнинг, муносабатларнинг шакллана боришини кўрсатувчи умрнинг бекатлари бўлади. Бу одамизотнинг болалиқдан елиб-югуриб етиб олгани ўсмирлик куч-қуввати жўшиб, ҳис-туйғулари жунбушга келган даври ёшлиқдир. Худди шу даврда унга янада эътиборлироқ бўлиш, кези келганда қўллаш, рағбатлантириш, иқтидору имкониятларини тўғри йўналтириш муҳим масаладир. Шу маънода тан олмоқ керакки, Ёшлиқ умрнинг қиёссиз, вақти келганда дунёларни алмашлаб ҳам топиб бўлмас палласи. Бу даврдаги шашту шижоат, завқ-шавқ кўпгина эзгу ишларга қодир бўлмоғи мумкин. Айни пайтда ёшлиқ қайсидир жиҳатдан умрнинг эргашувчан фасли ҳамдир. Президентимиз И.Каримов 2001 йилнинг феврида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувида сўзлаган нутқида “етаклаш” сўзига алоҳида урғу берган эдилар. Мутахассисларнинг фикрича, шу ёшдаги инсон юрагидаги ёниб турган ҳарорат бир парча ўтга айланиб, ўзини мустақил фикрловчи эркин “катта”, ғурурли, сўзидан қайтмас шахсдай тута бошлайди. Ғоялар

ортидан эргашиш “дарди”ни баъзан тан олиб, олмайди. Унинг шу бекатда тўғри йўл танлай олиши, ёхуд ўзлигини йўқотиб, аросатда қолиши эса муҳит, жамият ва айни пайтда катталарнинг масъуллиги билан чамбарчас боғланиб кетган. Ёшлар тарбиясига масъуллик ҳақида гап кетганда, турли мулоҳазалар билдирилади. Энг аввало, кимдан сўраш керак ёки ким кўпроқ масъул? Оилами, мактабми, маҳаллами, давлатми? Ҳаммасининг ўз ўрни, вазифаси бор, албатта. Аммо ернинг думалоқлигию, тепамизда куёшнинг ягоналигини инкор этиб бўлмаганидек, бола тарбияси энг аввало ота-она, оила муҳитига боғлиқлигини ҳам рад этиб бўлмайди. Фақат бу азалий ҳақиқатни онгу шууримизга сингдириш, қалбимизга муҳрлаш осон кечмаётганини ҳаёт сабоқлари кўрсатиб турибди. Кўз юмиб бўлмайди, озми-кўпми, жиноят кўчасига кириб қолаётган, гиёҳвандлик балосидан умри завола топаётган, ёт ғоялар, ёвуз кучлар домига тушиб, ҳаёти ҳазон бўлаётган ёшларнинг ҳам борлиги ҳаммамизга маълум. Айрим ота-оналар тасаввурида эса Худо берган фарзанд ўзидан ўзи ўсадигандек, улғайиб кетаверадигандек. Бола йўлдан адашиб, тарбияси оғирлашиб, боши деворга теккач, ота-она бағри дили куйиб, ойлаб-йиллаб елиб-югуради. Ўйлаб қоласан киши: ана шу ҳаракатларнинг бир қисмини ўз вақтида қилсак бўлмасмиди? Қисқаси, ёшлар тарбиясидек муҳим масала Ватанимизнинг эртанги ёруғ кунини, ўғил-қизларимизнинг бахту иқболини истайдиган ҳар бир юртдошимиз учун шон-шараф ишига, мамлакат ва миллат олдидаги фарзандлик ва фуқаролик бурчига айланиши лозим.

Президентимиз ва халқимизнинг ёшлардан умиди шуки, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидай, ёшлар ҳаётда ўзлари кўзлаган барча орзу-умидларига етсинлар, етуклик чўққиларига кўтарилишсин, биз эришмаган довларга эришсин. Бунинг учун давлат ва халқ, яна бир улуғ шоиримиз айтганидай, ёшларга ўз елкасини тутишга тайёр.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эҳтиромга ёшларимиз муносиб бўлсалар, ўзларига яратилаётганган катта имкониятлардан вақтни бой бермай, ёшлик пайтидаёқ фойдаланиб қолсалар, элу

юртимизнинг билимли, тарбияли, фидойи инсонлари бўлиб камол топсалар. Ёшлар йилида барчамиз ёшлар учун, уларнинг ўзлари эса Ватан, миллат учун хизмат қилсинлар.

## **ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ**

Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир. 2001 йил 25 апрелда ташкил топган. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шароит яратиб беришдан иборат. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, ирки, жинси, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қоида тариқасида, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг олий органи – 5 йилда бир марта чақириладиган қурултой, раҳбар органи – 6 ойда бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш, ижроия органи – 2 ойда бир марта чақириладиган Ижроия Қўмита ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб ушбу тузилманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида икки юзга яқин бўлими мавжуд. Тўрт ярим миллиондан ортиқ йигит-қизлар мазкур ташкилотга аъзо.

Президентимизнинг 2006 йил 10 октябрдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самародорлигини янада ошириш тўғрисида”ги қарори “Камолот”ни ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига

айлантириш, йигит-қизлар ҳаётида учраётган муаммоларни бартараф этишда мазкур тузилманинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида йигит-қизларнинг фаол иштирокани таъминлаш, ёш тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар ташкилотининг марказий аппаратида, вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, бандлик ва тадбиркорликка кўмаклашиш бўлимлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида қирқдан зиёд Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари фаолият юритмоқда. Бу масканларда иштирок этаётган йигит-қизлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда миллий ва замонавий соҳалар бўйича касб-ҳунар ўрганишмоқда.

Кейинги йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурлар ижроси доирасида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилди.

Ҳаракатнинг Ёшлар муаммолари институти, “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази таъсис этилган. Ҳаракат муассислигида “Туркистон”, “Молодежь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч”, “Сирли олам”, “Синфдош”, “Ғунча”, “Ёшлик”, “Қалб кўзи” журналлари нашр этилади.

## **FUNDFORUM. UZ: ЮНЕСКО ЭЪТИРОФ ЭТГАН ЖАМҒАРМА**

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда яна бир ташкилот “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси 2004 йил февраль ойида ташкил топган. Ўз олдига

фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдек эзгу мақсадни кўйган нодавлат бирлашмаси ўтган икки йиллик муддат давомида мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган бир қатор йирик лойиҳа ва дастурларни амалга оширди. Юртимиз ёшларини кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган жамғарма жуда тез муддатда тилга тушди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси турли кўرғазмалар, театр ва кино фестиваллари, халқаро симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш орқали юртимиз маданияти ва санъатининг халқаро майдонда эътироф этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарма томонидан ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, “Янги авлод” болалар ижоди фестивали, “Навқирон Ўзбекистон” анъанавий ва замонавий санъат фестивали тез фурсатда кенг жамоатчилик эътиборига тушди. Бутун мамлакат миқёсида ташкил этилаётган “Келажак овози” мегатанлови эса юртимизнинг минглаб ёшларини бирлаштирмоқда, маданият ва санъатнинг турли йўналишларида иқтидор эгаларини кашф этмоқда.

Жамғарма концертлар, фестиваллар, кўрғазмалар ташкил этиш баробарида Россия, Япония, Бельгия, Люксембург каби давлатларда ўндан ошиқ халқаро лойиҳаларни амалга оширди. Люксембург ва Бельгия давлатларида ташкил этилган “Ўзбек фотографиясига 125 йил” кўрғазмаси миллий маданиятимизнинг халқаро майдондаги ўзига хос тақдироти бўлди дейиш мумкин. Кўрғазмада мамлакатимизнинг 150 дан зиёд фото усталари ва ёшларининг асарлари намойиш этилди.

Fundforum.uz ўз фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда жамғарма томонидан Тошкентда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, Болалар санъати ва ижодиёти маркази ташкил этилди. Шунингдек, халқаро алоқаларни янада кучайтириш мақсадида жамғарма Японияда ўз ваколатхонасини очди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси илк фаолиятини йўлга қўйган даврда фақат миллий маданият ва санъат йўналишида иш олиб борган бўлса, эндиликда ижтимоий

йўналтирилган лойиҳаларни ҳам амалга ошироқда. Масалан, 2006 йилда нодавлат бирлашма томонидан таълим соҳасида 3 та йирик дастур амалга оширилди. Хабарингиз бўлса, 2005 йилдан буён жамғарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинаётган эди. 2006 йилдан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам кўшилди.

Жамғарма матбуот хизмати маълумотларига кўра, Таълим грантлари дастури доирасида мамлакатимиз миқёсида 44 нафар талабага ўртача 500 минг сўм ҳажмда грант берилди. Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича эса 100 нафар ғолиб 2006–2007 ўқув йили давомида ҳар ойга 35 минг сўмдан стипендия оладиган бўлди.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида жамғарма томонидан амалга оширилган турли лойиҳалар доирасида 256 та грант ажратилди, бу мақсадда 88 миллион сўм сарфланди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Москва, Пекин, Токио каби шаҳарларда ўз ваколатхоналарига эга. Маданият, санъат ва илм-фан соҳасида дунё миқёсидаги етакчи ташкилотлардан бири саналган ЮНЕСКО “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан яқин ҳамкорликка киришди. Бу эса, жамғарма мамлакат маданият ва санъатини ривожлантириш, ёш иқтидорларни кашф қилиш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларнинг халқаро миқёсидаги эътирофидир.

Холис айтганда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси фаолиятини ёшлар фахр билан тилга олмоқда. Жамғарма томонидан мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудида ўтказилган тадбирлар ўз-ўзидан ёшларнинг эртанги кунга ишончи ва умидини янада мустаҳкамлабгина қолмай, шу юрт, шу Ватанни кўз қорачиғидек асрашдек муқаддас бурч уларнинг зиммасига тушаётганини англата олапти.

Жамғарма томонидан амалга оширилаётган барча лойиҳалар миллатнинг бир замонлар дунё фанини ёритган қудратли ақлий салоҳиятини уйғотиш, мамлакат ижодий кучларини

бирлаштириш, иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг бой ва қадимий маънавий мероси, замонавий илм-фани билан таништириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилишдир.

### **СЕНГА АЙТАР СЎЗИМ БОР, ЁШЛИК!**

Ёшлик, Сени бежизга ўтга, оташга менгзашмайди. Чинданда Сенинг вужудингдаги куч-қувват, юрагингдаги ёниқ ҳарорат шу ёшингда ҳар нега қодирлик топмоғингдан далолатдир. Балки шу боис, ҳаёт аталмиш бу гулшанда тўқис яшамоқ бахтига эришганлар-да, кексалик бекати томон одимлаганлари-да ортга қараб Сени қидира бошлайди, қўмсайди. Севимли шоиримизнинг “Оҳ сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” деган мисралари ҳам юракдаги ана шундай орзиқишлар билан қоғозга кўчган бўлса ажабмас. Дарҳақиқат, Ёшлик одамзотга берилган шундай бебаҳо имконият, неъматки, айна пайтда у инсоннинг келажагини ёхуд у, ёхуд бу томонга бура олиши мумкин бўлган даврлиги билан ҳам умрнинг ўта нозик палласидир.

Ёшлик, биламан, Сенга ҳар доим ҳам насихатомуз гаплар ёқавермайди. Сенинг кўпинча ташлаётган қадамингни “тўғри”, “ўринли” дея билишни сезувчи ўжарроқ феълинг ҳам бор. Балки шунинг учундир, афсус ва надомат аталмиш армон бир кун йўлингдан чиқар. Пушаймонлик билан тузатолмасан хатоларингни.

Ёшлик, менинг сенга ҳавасим келади. Сени яхши кўраман. Бугун катта бир мамлакат, бутун бир миллат Сенга суянмоқ, ишонмоқ, бугуни, эртаси тақдирини Сенинг камолинг билан боғламоқ фикри-ўйида экан, менинг ҳам юрагимда шундай нурли умид бор.

Ёшлик, мана, Ўзбекистонимизда Сенинг номинг билан аталувчи йилни қарши олдик. Шу аснода Сенинг иқболингни том маънода порлоқ, беғубор кўрмоқ ниятида айрим кузатишларни сўзламоқчиман. Халқнинг орасида “Ёшликнинг кўзи кўр”, “Ёшлик қилганда...” каби гаплар юрадики, мен юқорида тилга олганимдек, бундайин ғўрликлар юрагингда

битмас чандиқлар қолдирмоғи мумкин. Бу ўринда фақат Сени айбламоқ, ортда қолажак изларингдан хатолар изламоқ фикридан йироқман. Аксинча, Сени ўраб турган муҳит, атрофингдаги катталар аталмиш анчайин ҳаётӣ тажрибага эгаларнингда бефарқлиги, лоқайдлиги мевасидир у ўкинчлар. Илинжим эса ягона – ҳикоя қилмоқчи бўлганим, бу воқеаликлар Сени сергаклантирсин, кун келиб хотира аталмиш ювиб, унутиб бўлмас оламингни доғламасин.

## ХАРСАНГТОШ

Соҳибжон мактабни аълога тугатди. Унинг институт талабаси бўлиши Шоҳида ая учун энг бахтли кунга айланди. Лекин бунга эришиш, муштипар аёл учун осон бўлмади. У ўғлининг яхши билим олиши учун турмушнинг неки қийинчилиги бўлса чидади. Отасининг йўқлиги билинмасин, дея кунларни тунларга улаб меҳнат қилди. Кундузлари далада ишласа, оқшомлар тикиш-бичиш қиларди. Соҳибжон озгина қарашгудек бўлса, “дарсингдан чалғима” дея сигир-бузоқнинг ёнига ҳам йўлатгиси келмасди. Ҳа, онаизорнинг хизматлари зое кетмади. Соҳибжон институтда ҳам тезда билимли талаба сифатида танилди. Устозларининг хурматини қозонди. Домлаларидан бирининг таклифи билан илмий изланишларга ҳам қўл ура бошлади. Энди кўпчилик дўстлари у билан ҳисоблашиб гаплашар, институтдаги унча-бунча масалаларга аралаша оларди. Шундай кунларнинг бирида домласи унинг қишлоғига яқин томондаги қариндоши тўй қилаётганини, йўл-йўлакай ойисини ҳам кўриб келишлари мумкинлигини айтиб қолди. Соҳибжон негадир иккиланганнамо рози бўлди-ю, ҳафсаласизгина устозига эргашди. Уйларига яқинлашар экан, одатдагидек ховлилари рўпарасидаги харсангтошга ўтириб, ўтган-кетган машиналарга мунғайибгина термулиб турган онасини кўрди-ю, кўнгли хижил бўла бошлади. “Эгнидаги кийимни қаранг – хаёлидан ўтказди. – Ўқитувчимнинг олдида ўсал бўладиган эканман-да. Пешинда кўчада ўтиришларини қаранг...”.

Шоҳида ая боласини кўриб ўзини кўярга жой тополмай қолди. Шошиб-пишиб сўрига духоба кўрпачадан соларкан, Соҳиб баттар тажанглашарди. “Шунча латта-путта ўрнига, иккита стол-стул қилмайдими. Иссиқда айрон яхши эмиш. Бу киши катта домла бўлса, шу бужмайган ўрикни дастурхонга қўйиб бўлармиди...” Шу-шу Соҳиб қишлоққа бировни эргаштириб бориш тугул ўзи ҳам камдан-кам йўл оладиган бўлди. Билимли йигит бўлгани учун атрофида йўқловичлари кўп... Бирон бир сабаб бўлиб уйига кириб ўтса ҳам, онасининг гирдикапалак бўлишларига жавобан жеркиб берар, ҳатто бир куни “Шу сизга курси бўлдими, номусдан ўлдирдингиз-ку...” дея онаси букчайган кўйи ер чизиб ўтирган харсангтошни тепкилаб ҳам ташлади.

“Болам, Сен чориғингни унутибсан. Бунинг охири хайрли эмас...” деганди Шоҳида хола кўзлари ёшга тўлиб ўшанда. Соҳибжон эса мансаб пиллапояларидан кўтарилаверди. Онаси қазо қилди. Қишлоққа номига бориб келдида, шаҳарда дошқозонда ош дамлатиб қазо-казоларни чорлади. Ота ҳовлиси нураб янтоқзорга айланса ҳам бир қайрилиб қарамади.

Аммо ўтган йили Соҳиб Шарипович ёмон қоқилди. Қоқилганда ҳам шундай ёмон туртилдики, бир ҳафтада умр бўйи йиққан обрў-эътибори ҳам, мол-дунёси ҳам кўкка соврилди-кетди. Боласининг қиморбозларга қўшилиб, охирида қамалишгача бориши Соҳибжонни адойи тамом қилди. Шунда негадир у онагинасини, қишлоғини соғинди, жуда боргиси келди.

Соҳиб Шарипович йўловчи машинадан қишлоғи ёнида тушиб қоларкан, биринчи кўзи тушгани атрофини ўт-ўлан қоплаган харсангтош бўлди. Гўё онаизори “Чориғингни унутибсан, бу хайрли эмас...” деб жовдираб қараб тургандек бўғзига нимадир тикилди. “Эҳ, ёшлик қилибман, онажон, ёшлик...” дея қайта-қайта шивирлади у лаблари титраганча. Бу иқроп унинг юрак-бағрини тимдалаб, киприкларини намлатди.

Ойбуви Очилова

Ёшлик, истаймизки, Сендаги куч-қувват, истеъдод, қалбингдаги жўшқинлик ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, фақат яхшиликларга хизмат қилсин!

## **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ “ЁШЛАР” ҲАҚИДА**

*Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.*

*Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.*

*Юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар менинг фарзандларим.*

*Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.*

*Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш – бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак.*

*Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишига интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан фахрланаман.*

**“Сенда ишончларнинг ҳаққи бор, Ёшлик!” номли  
тематик-бадий кеча сценарийси**

**1-олиб борувчи:** Ассалому алайкум, азизлар!

**2-олиб борувчи:** Ассалому алайкум, азиз ёшлар!

**1-олиб борувчи:** Кутиб олинаётган ҳар янги йилга маълум бир ном бериш халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида махсус Давлат дастури тузиб, йил давомида уни изчиллик билан амалга ошириш мамлакатимизда яхши анъана тусини олди.

**2-олиб борувчи:** Мана бу йил Ёшлар йили деб эълон қилинди. Бу бежиз мас, албатта. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ёшлар тарбияси, уларни бахтли, баркамол авлод қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

**1-олиб борувчи:** Биз бугунги кечамизни “Сенда ишончларнинг ҳаққи бор, Ёшлик!” деб номладик.

**2-олиб борувчи:**

Болалик талпинар ўсмирлик томон,  
Чиранар билагин шимармоқ бўлиб.  
Буви интиқ кутар набирасини,  
Кексалик дардини унутмоқ бўлиб,  
Оҳ Ёшлик, умрнинг ҳаққи бор Сенда,  
Ҳаётнинг гул хиди, шавқи бор Сенда...

**1-олиб борувчи:** Юртбошимиз катта минбардан туриб, барчамиз интиқ кутаётган янги – 2008 йилнинг номланишини “Ёшлар йили” бўлсин дея таклиф киритганларида худди кўпчиликнинг дилидаги истак орзу тилга кўчгандек бўлди.

**2-олиб борувчи:** Ҳа, Сенинг ҳаққингга ўйлаш, қайғуриш гарчанд бугун бошланмаган эса-да, айнан бутун бир йилнинг Сенинг дарду қувончларинг билан яшашга бахшида этилмоғи, камолотинг йўлида ғамхўрлик кўрсатиш ҳукумат раҳбари ташаббуси билан давлат аҳамияти даражасига кўтарилиши Сенга нисбатан мамлакатнинг катта меҳру муҳаббати, ишончи аслида.

**1-олиб борувчи:** Бугунги кечамизда “Она тили ва адабиёт” фанидан ўтказилган олимпиаданинг шаҳар босқичи ғолиби,  
\_\_\_\_\_ касб-ҳунар коллежи талабаси \_\_\_\_\_

қатнашмоқда. Ҳозир талабамиз Ўзбекистон Қаҳрамони, шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб “Ёшлигим” шеърини айтиб берадилар.

Олис қишлоғимнинг кўчаларида  
Тупрокни чангитиб юрган ёшлигим.  
Жанубнинг юлдузли кечаларида  
Ухламай хаёллар сурган ёшлигим.

Орзулар қайгадир чорлади бир чок,  
Ортда қолиб кетди у азиз тупрок.  
Кимгадир шогирду кимгадир ўрток,  
Шеър билан суҳбатлар қурган ёшлигим.

Танидим юртимни, қадим элимни,  
Алишер сўзлаган сулув тилимни.  
Ва лекин ёвларим тўсиб йўлимни  
Не забун кунларни кўрган ёшлигим.

Дунёда бировни камситмоқ ёмон,  
Ёмондир сеники бўлмаса замон,  
Тополмай бир чора, тополмай имкон  
Йўлин ёлғизликка бурган ёшлигим.

Шукур, тўзонларда қолмадим сўлиб,  
Келди хуш даврон ҳам шавқларга тўлиб,  
Энди рўпарамда набирам бўлиб,  
Мардона қад кериб турган ёшлигим.

**2-олиб борувчи:** Ташаккур.

**1-олиб борувчи:** Бугун она-юртимиз – Ўзбекистон ёшларига ҳавасланиб, юрак-юрагимиздан шукроналар қиламиз. Ёшлиқ – жумлаи жаҳон Сенга ҳавас қилаётганини сезаяпсанми? Яна қувонамизки, Сенинг қудратинг тан олинди, қалбингни тинглайди замон. Сен яшамоқ деган бахтнинг маъносини англаяпсан. Ҳақ, тўғри йўлингни кўра олаяпсан. Ўзингиздаги қувват, ақлу шуурни пешлашга ўрганаяпсан.

**2-олиб борувчи:** Фақат илм ва меҳнат билан олий мақсадга эришиш мумкинлигини борича тушуниб етаяпсан. Устозингни билимли ва оқибатли, камтар ва доно инсон эканлиги учун

қадрланаётганиндан, дунёга гўзал инсоний фазилатлар билан боқаёганиндан шодланади киши.

**1-олиб борувчи:** Келинлар, эндиги навбатни халқ таълими-маорифи аълочиси \_\_\_\_\_ га берамиз. Уларнинг ҳам Сиз ёшларга айтажак сўзлари бор.

Халқ таълими аълочиси: Йилдан йилга янгиланиб, яшнаб, куч-қувватга тўлиб бораётган юртимиз истиқболи чакмоқ янглиғ чакнаб, дарёдек жўшиб, гурас-гурас бўлиб, сафга қўшилаётган ёшлар иқтидори ва интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Улар билан суҳбатлашиб маза қиласиз. Баҳслашиб чарчашмайди, фикрлари дадил, гаплари мантиқли, юраклари тўла орзу-ҳавас. Улар истиқлол вояга етказган ниҳоллар, томирлари юксак ўзанларга туташ халқнинг қайта яшнаган умид юлдузлари. Шу боис миллатни яшартирувчи, халқ ҳаётига бойлик бахш этувчи навқиронлик тимсолидир.

**2-олиб борувчи:** Катта раҳмат, устоз. Сиз билан ёшларимиз ҳам яқиндан суҳбатда бўлишганидан, мамнунлар. Уларнинг чеҳрасига қаранг!

**1-олиб борувчи:** Ҳозир даврага Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, яъни Зулфияхоним қизларини таклиф этсақда, уларнинг “Ёшлиқ, кўнгил тўлиб кетди шеърга” мавзусига бағишлаб ижод этишган шеърларидан тингласак.

*Зулфияхоним қизларининг чиқиши*

**2-олиб борувчи:** Раҳмат қизлар, ижодингизга янги-янги ютуқлар тилаймиз. Ёшлиқ – гўзал бир йилнинг истиқлол, ҳурлик нафаси билан яратиш ва яратувчанликлар ила ўтажак муборак дамларнинг “Ёшлар йили” дея аталиши Сенга қутлуғ бўлсин, Сен унга муносиб бўл!

**1-олиб борувчи:** Бу йилда Сенинг манфаатларингни таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тарбия олишинг, мутахассислигингга монанд муносиб иш билан таъминланишинг, маънавий оламингни бойитиш, санъат ва гўзаликка бўлган интилишларингни кучайтириш каби йўналишларда катта ишлар олиб борилади.

**2-олиб борувчи:** Сен буни ўзингга нисбатан катта масъулият ҳисси дея қабул қил ва шундай оқибат ҳисси билан жараёнларда иштирок эт.

Муҳаббатни ўпгин, кўзларингга сурт,  
Ватан бўлолмағай бундан зиёда.  
Миллат ғурурини кафтгинангда тут,  
Ўзбекистон битта бутун дунёда!

Ох, Ёшлик, ишончлар ҳаққи бор Сенда, ўзбекнинг кудрати,  
нақли бор Сенда!

**1-олиб борувчи:** Мана, азизлар! Бугунги кечамиз ҳам  
ниҳоясига етди.

**2-олиб борувчи:** Энди ҳаммангизни “Ассалом, Беғубор  
Ёшлигим!” деб номланган ёш мусаввирлар томонидан чизилган  
расмлар кўрғазмасига таклиф этамиз. Марҳамат!

### “ДОНОЛАР БИСОТИДАН”

Ёшлик даври ишонч, умид ва шодмонлик даври бўлади. Агар  
шу завқ-шавқни аланга олдириб турган хатолар ўтини бўлса, кул  
бўлиши лозим бўлган нарса кул бўлаверсин. Олов чиқарган  
нарса беҳуда кетмайди.

Рабиндранат Тагор

Кучингни қадрига ет, яхши ишга сарф айла,  
Бу йўлда энг сара хислатни синчиклаб сайла,  
Сенда куч бор, билак бор, дам ғанимат, ғайрат қил,  
Бошда ёшлик соябон, унинг қадрига етгил.

Абдурахмон Жомий

Ёшликда тарбияни тўғри этмаса, асло тўғри бўлмағай,  
улғайганда, ёшдин эса ҳар ниҳол пайдо.

Рохит

Қарилик эрмиши хазон, бордур йигитлик навбахор,  
Имтиҳон айлаб аларни яхшилар мундоқ демиш:  
“Бўлса қиш? кейинча яна бордур баҳор,  
Навбахор умр ўтган сўнг анга йўқдир келиш”

Роқим

Ўзга тилни ҳаракат қилинг билгали ёшлар,  
Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек.

Аваз Ўтар

Йигитлик мавсумин хуш тут, доғи фурсат ғанимат бил,  
Ки, бу олам асосан асру бубунёд эмиш билдук.

Гадоий

**“Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!”  
эрудит-шоу ўйини**

***(Қатнашувчилар: Олиб борувчи, Командалар, Малика Будур, Шоҳ, Вазир, Адабиёт, Ботаника, Тарих, География парилари, Қирол)***

Эрудит-шоунинг тўлиқ дастури “Уй вазифа”сидан ташқари қатнашчилар учун сир сақланиши керак. Кутубхоначи шоуга тайёргарлик чоғида, қатнашчиларга керакли адабиётларни тавсия қилади, маслаҳатлар беради, у ёки бу сўроқлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боради. Эрудит шоуда юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежи талабалари ўзаро беллашишлари мумкин.

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум, қадрли меҳмонлар, азиз китобхонлар. Бугун кошонамизда бизнинг кўп ўқийдиган, кўп биладиган, бир сўз билан айтганда эрудицияли, яъни билимдон, ақл-заковатли ёшларимиз иштирокида “Жазирама” беллашуви бўлиб ўтади. Билимдон бўлишларига эса бизнинг содиқ ва ишончли дўстимиз – Китоб ёрдам бергандир.

Сўзсиз китоб – билимлар манбаи, билимсиз эса – олдинга ҳаракат бўлмайди. Сиз ёшлар олдида гўзал ва бетакрор Ўзбекистонимизда яшаш, ўқиш, билим олиш, ўзбек юртини дунёга машҳур қилиш, уни янада бойитиш каби вазифалар қўйилади. Мана 2008 йилни барчамиз “Ассалом, Ёшлик йили!” деб кутиб олдик. Бу йил сизларга давлатимиз томонидан юксак ишонч билдирмоқда. Бу ишончни оқлаш эса, сизлардан чуқур билим ва тафаккурни талаб этади. Ҳаммангиздан “Ҳамма

нарсани билишни хоҳлайман!” эрудит-шоумизда фаол қатнашишингизни сўраймиз.

Командалар чиқиши.

*Олиб борувчи қатнашчиларни таништиради, беллашув шартларини ва мухлисларнинг танловлардаги роли ҳақида қисқача тушунтиради. Ҳар бир команданинг ўз мухлислари бор ва улар команданинг у ёки бу саволларига жавоб беришларида маслаҳат бериши ҳуқуқига эга, команда сардорининг якуний жавоби бўйича хулоса қабул қилиши мумкин. Команда ва унинг мухлислари бир хил рангдаги кийимларда бўлиши зарур.*

**Олиб борувчи:** Эрудицияли-билимли ёшларни аниқлашни эса ҳайъат аъзоларидан илтимос қиламиз (*ҳайъат аъзолари таништирилади*). Ҳар бир танлов охирида ҳайъат аъзолари баллар миқдорини эълон қилиб берадилар.

**Табрик.** Беллашув бошланишидан аввал этикет қоидаларига кўра командалар бир-бирларини табриклар берадилар (табрик – бу команданинг ташриф қарточкаси ҳисобланади, шунинг учун унга ижодий ёндошиш керак. Масалан, булар, ҳажвий лапарлар, термалар, кўшиқлар, шеърлар бўлиши мумкин).

**Разминка.** “Ақл гимнастикаси”. Саволлар навбат билан командалар сардорига берилади (*ҳар бирига 5 тадан кам бўлмаслиги лозим*).

**Саволлар:**

Ўзбекистон нечанчи йили Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлган?

Коинот нима?

2008 йил Садриддин Айний таваллудининг неча йиллиги нишонланади?

Спорт бўйича навбатдаги ёзги олимпиада ўйинлари қачон ва қаерда ўтказилади?

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов неча ёшдан таржимонлик қила бошлаган?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинган.

Сатурн.

Садриддин Айнийнинг 130 йиллиги нишонланади.

Спорт бўйича навбатдаги ёзги олимпиада ўйинлари 2008 йил ёзда Хитойда ўтказилади.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов 5 ёшдан таржимонлик қила бошлаган.

Олиб борувчи: мана, иштирокчилар билан ақл гимнастикасини ўтказиб олдик, ўйлайманки, ёшлар тетиклик, бардамлик билан янги беллашувларга тайёр.

*(Қаттиқ шовқин эшитилиб, залга Шоҳ билан Малика кириб келадилар).*

**Малика:** Зерикарли! Юрагим сиқияпти! Фақат йиғлайман, шундан юзимнинг ранги бузияпти! Озиб кетяпман! Отажон, сиз шоҳмисиз ёки шоҳмасмисиз?! Мен маликаманми ёки малика эмасманми?

**Шоҳ:** Малика, ўргилайин, маликасан! Мана, ваколатли ташкилотлар томонидан берилган гувоҳнома: “Малика Будур”. Йиғлама, қари юрагимни ёрма энди. Кел сенга телевизор ёқиб бераман ёки айланиб келамизми?

**Малика:** Отажон! *(йиғлайди)*. Яна сиз.. Нега тушунмайсиз, ахир. Мен хурсандчилик қилмоқчиман. Мен ҳаммага ёқишни хоҳлайман!

**Шоҳ:** Вазир! *(Вазир киради)*

**Вазир:** Эшитаман сизни, шоҳим.

**Шоҳ:** Қизим зерикапти. Уни кўнглини очиш, хурсанд қилиш зарур. Нима таклиф этасан?

**Вазир:** Куёвлар таклиф қилишим мумкин.

**Шоҳ:** Кимларни масалан?

**Вазир:** Бир нечта ақлли, чиройликлари бор. Малика учун ушлаб турувдим.

**Малика:** Ақллиги ҳам, чиройлиги ҳам керак эмас! Зерикарли! Эрудициялиги керак!

**Шоҳ:** Э-ру-ди-ци-я-ли-ги? *(тушунмасдан вазирга қарайди)*.

**Вазир:** Эрудицияликлар ҳозир модада. Рози бўлаверинг. Нимадир ўйлаб топамиз. Маликам, улар жуда дефицитда.

**Малика:** Ҳоҳлайман! Топиб беринглар! Бошка қиролликларда барча куёвлар эрудицияли, бизда эса фақат ақли ва чиройли!

**Олиб борувчи:** Хурматли маликам, биз сизга ёрдам берамиз. Айтганча, биз бугун эрудитлар беллашувини ўтказаямиз. Сизда энг-энг эрудит куёвни танлаш имконияти бор. Бизга буни аниқлашда Фан (адабиёт, тарих, география, ботаника) парилари кўмаклашадилар.

**Шоҳ:** Биз уларни эрудицияли эканми ёки у фақат ақли эканми, қаердан аниқлаймиз?

**Малика:** Отажон, уларни тестдан ўтказамиз. Кўшни қиролликларда барча куёвлар тестдан ўтказилган.

**Шоҳ:** Тестдан ўтказамиз? У нимаси?

**Олиб борувчи:** Ҳа, ҳа! Бизнинг дастуримизга “Экспресс-тест” киритилган. Малика Будур, диққат билан уларни кузатинг ва танлов иштирокчилари, шунингдек мухлислар ичидан ҳам энг эрудитини танлашингиз мумкин. Фанлар париси, сизлар эса жавобларнинг тўғрилигини кузатиб боринглар. Иштирокчилар, мухлислар, диққат қилинг. Тестнинг ҳар бир саволига – бир нечта жавоблар варианты мавжуд. Ҳар бир команда ўзининг жавоб вариантларини танлайди.

### **1. Турция пойтахти.**

